O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2001 йил, 6 март, сешанба № 28 (1448). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 6 марта 2001 г. № 28 (1448). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

БОШ МАВЗУ: ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИ

Гарвард университетининг профессори, Марказий Осиёнинг сиёсий муаммолари бўйича таниқли америкалик мутахассислардан бири, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маслаҳатчиси Доналд Карлайл ўз тадқиқотларидан бирида шундай деб ёзган эди: **«Ўрта Осиё бўйича ғарблик тадқиқотчилар, аввало, минтақада энг нуфузли мамлакат бўлмиш Ўзбекистонга ва унинг Президенти, Ўрта Осиёдаги коммунистик тузумдан кейинги раҳбарлар орасида энг машҳури Ислом Каримовга эътиборни қаратишлари керак».**

Дарҳақиқат, хорижий тадқиқотчилар, машҳур сиёсатчилар ва жамоат арбобларининг Ўзбекистонга ва унинг раҳбари шахсига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон давлати ва унинг йўлбошчиси тўғрисида хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқотлар яратилаётганлиги, сермазмун китоблар чоп этилаётганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистонга бўлган жуда катта қизиқиш, шубҳасиз, аввало, унинг улкан иқтисодий имкониятлари, яъни иқтисодий жиҳатдан янги «Осиё йўлбарси»га айланиш истиқболлари, Марказий Осиёдаги сиёсий салмоғи, шу билан бирга мамлакатимиз нафақат Шарқ цивилизациясининг, балки жаҳон цивилизациясининг ҳам бешикларидан бири эканлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. 2000 йилда Москвада нашр этилган «Узбекская модель развития: мир и стабильность — основа прогресса» деб номланган янги китоб ҳам Ўзбекистон ва унинг йўлбошчиси тўғрисида яратилган салмоқли тадқиқотлардан биридир. «Ўзбекистон» нашриёти ана шу китобни «Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси» номи билан кўп минг нусхада ўзбек тилида чоп этди.

Таниқли публицистлар М. С. Гафарли ва А. Ч. Касаевнинг қаламига мансуб ушбу китобнинг аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли муфассал таҳлил қилинади. Дунё жамоатчилиги томонидан ривожланишнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида белгиланган улуғвор вазифалар, кенг кўламли дастурларни амалга ошириш тажрибаси ҳайратомуз мисоллар, қиёсий фактлар ва далиллар асосида ҳар тарафлама чуқур ва холисона ёритилган.

Муаллифлар Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга баҳо берар эканлар, биринчи навбатда Президент юритаётган сиёсатнинг туб моҳиятини таҳлил қиладилар. Уларнинг фикрича, Ислом Каримов мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссани аниқлаб олмасдан туриб, мазкур давлатнинг на иқтисодиётидаги, на сиёсатидаги аҳволни холисона баҳолаб бўлади.

«Агар Ислом Каримовнинг 10 йилдан ортиқ президентлик даври диққат билан таҳлил этилса,— деб таъкидлайди китоб муаллифлари,— уни муболағасиз ўз халқи учун бениҳоя кўп иш қилган, ҳозирги пайтда эса унинг буюк келажак йўлини оқилона очиб бераётган замонамизнинг энг ёрқин давлат арбобларидан бири дейиш мумкин. Чунки Ислом Каримовнинг, ҳатто энг ашаддий мухолифлари ҳам, айнан Президент тинчлик ва барқарорликка эришишни, Ўзбекистонда ўнчалик азобли бўлмаган ва дуруст натижалар берган бозор ислоҳотларини, 1996 йилда республикада бошланган барқарор иқтисодий ўсишни ва Ўзбекистоннинг давлат атрибутлари, мудофаа қобилияти мустаҳкамланишини таъминлаб берганлигини эътироф этмоқдалар».

Китоб муаллифлари «айнан Ислом Каримов аввал Фарғона, сўнгра эса Ўш фожиаларининг чигал тугунини ечишга муваффақ бўлганлигини» алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтар эканлар, уни «эътиқодли



байналмилалчи ва айни пайтда узоқни кўра биладиган сиёсатчи», деб таърифлайдилар. Ўзбекистонда демократия тамойилларининг нечоғлик оқилона амалга оширилаётганлиги ҳам, аввало, давлат бошлиғининг доно сиёсати ва қатъияти билан боғлиқ эканлигига, бундай сиёсатнинг таъсирчанлиги эса қудратли армиянинг кучига ва битмас-туганмас бойликларга қиёсланишини жаҳон тажрибаси кўрсатаётганлигига эътиборни қаратадилар. Дарҳақиқат, «давлат бошлиғи оқилона сиёсат юритганда мамлакатнинг бойлигига бойлик қўшиш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, уни обрў-эътиборли давлатга айлантириш мумкин».

Китобда қаламга олинган ўта муҳим мавзулардан бири Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Қолаверса, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик давлат ва жамиятни сиёсий ислоҳ қилишнинг асоси, айнан барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик жамиятни ислоҳ қилиш ва собитқадам иқтисодий ривожланишнинг кафолатидир, дея таърифланади. Айни чоғда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанатни сақлаб қолиш, халқаро терроризм ва диний ақидапарастликка қарши биргаликда курашишга, шунингдек, глобал экологик муаммоларни ҳам узвий ҳамкорликда, елкама-елка туриб ҳал қилишга қаратилган маълум ва машҳур ташаббуслари асло инкор этиб бўлмайдиган сиёсий далиллар, ёрқин мисоллар асосида таҳлил қилинганлиги, шубҳасиз, ўқувчида катта таассурот қолдиради.

Китоб муаллифлари Ўзбекистонда динга бўлган муносабат хусусида ҳам атрофлича тўхталганлар. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг динга бўлган муносабатини етарли даражада аниқ ифодалаб берган асарлари, маърузалари, фармон ва фармойишларининг моҳияти таҳлил қилинади. Ўзбекистонда виждон эркинлигини амалга ошириш борасидаги ҳайрли тадбирлар таърифланади. «Дин диний ишлар билан, давлат эса— давлат ишлари билан машғул бўлиши керак», деган муҳит тамойилнинг нечоғлик тўғри амалга оширилаётганлигига оид кўплаб характерли мисоллар келтирилади, шу билан бирга диннинг халқларни эътиқод ва эзгулик асосида бирлаштиришдан иборат вазифасини ado этиш йўлидаги мавжуд муаммолар ҳам ёритилади.

«Ўзбекистон кўп миллатлилик ва кўп динлилик шароитида миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан доим ажралиб турган»,— деб таъкидланади китобда. — «Ўзбек заминида истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари бир-бирини ўзаро тушунишга ва тотувликка интилаётгани республикадаги барқарорликнинг ўзига хос белгисидир».

Дарҳақиқат, миллатлараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўз-ўзидан юзага келувчи ҳолати бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати натижасидир. Табиийки, бу сиёсатни рўёбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Республиканинг ривожланиши давлат нафақат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда, балки турли миллатлар ва динлар ўртасида дўстона муносабатларни таъкидлашда ҳам етакчи ислоҳотчи бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Китобда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, Ислом Каримов иқтисодиётда: «Давлат — бош ислоҳотчи» деган қатъий қоидага амал қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги сиёсати «ўзбек модели»нинг энг муҳим тамойиллари асосида амалга оширилди. Ҳозирги вақтга келиб мамлакатда қулай макроиқтисодий иқлим вужудга келтирилди. Республика ўз модели асосида иқтисодий ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб илгарилаб бораётгани туфайли макроиқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга ҳамда МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодиётнинг энг кам даражада пасайишига эриша олди. Шунинг учун ҳам кўпгина экспертлар Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини чамалаб, республика иқтисодий ўсишнинг суръатларини давом эттириб, минтақада саноати тараққий этган бақувват давлатга айланиши мумкинлигини башорат қилмоқдалар. Уларнинг баъзилари ҳатто яқин келажакда Ўзбекистон «Осиёдаги янги иқтисодий йўлбарс» бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган ушбу китобда зикр этилган кўплаб қимматли маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар, қиёсий-таҳлилий далиллар ва умумлашмалар, шубҳасиз, кишида бу эзгу башоратларнинг ҳақиқатга айланишига, мамлакатимизнинг келажаги чиндан ҳам буюк эканлигига қатъий ишонч уйғотади.

(ЎзА).

Президентнинг Ислом университетига туҳфаси

Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетида катта шодиёна. Муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг туҳфаси — Тунис давлатида чоп этилиб, мазкур мамлакат Президенти Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдли Мусҳафи Шариф университет талабаларига сақлаш учун тақдим этилди.

Мазкур ҳадя рамзий маънога эга бўлиб, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон халқининг миллий қадриятларимизни қайта тиклашга, дунё илми, маданиятини тебратган буюк алломаларимиз хотирасини эъзозлашга, уларнинг ўлмас ғояларини ҳозирги ва келажак авлодларга мерос қолдиришга қаратилган хайрли ишлар эътирофини англатади.

Жамиятимизда кечаётган маънавий янгиланиш жараёни диний манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда ислом дини қадриятларини кенг тадқиқ этиш жабҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Бебаҳо туҳфа — Мусҳафи Шарифнинг Тунис давлати томонидан тақдим этилиши ўзбек халқига билдирилган эҳтиром ҳамда Имом Бухорий ва Имом Термизий каби алломалар юрти бўлган ўлкамизни бутун мусулмон олами қайтадан тан олаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг ташаббуси ва фармонларига кўра ташкил этилган Тошкент ислом университетида талабалар дунё динлари, диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси каби мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланаётган осори атиқаларни тўплаш ва илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир китоблар билан бойиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистондаги хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз саволларига қониқарли жавоблар олди.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳадя ислом аҳкомларини янада кенг ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Туҳфани қабул қила туриб, университет талабалари ёшларга доимий ғамхўрлиги учун Юртбошимизга ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар.

(ЎзА).

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Гужаратдаги кўплаб қурбонларга сабаб бўлган ва катта вайронагарчилик олиб келган зилзила муносабати билан билдирган ҳамдардлигингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман. Ушбу табиий офат қурбонлари ҳақидаги самимий сўзларингиз ва Ўзбекистон халқи ҳамда ҳукуматининг сахийлик билан кўрсатган ёрдами бизни тўлқинлантириб юборди.

Зилзила катта кўламдаги вайронагарчиликка сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун тезкор чоралар кўрилмоқда ва кенг миқёсли тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Жаноби олийлари, Сизга чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Атал Биҳари ВАЖПАИ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири.

Самарали ўтган беш йил

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг беш йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди. Маълумки, вазирлик Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 4 мартдаги Фармонига кўра аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида ташкил этилган эди. Йиғилишни Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Б. Қосимов бошқарди.

Йиғилишда ўтган давр мобайнида вазирлик шахсий таркиби ва тузилмалари томонидан мамлакатимиз аҳолисини ҳамда ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Республикада ҳар хил тусдаги фавқулодда вазиятлар қайд этилган бўлса-да, ўз вақтида олиб борилган тайёргарликлар туфайли кўнгилсиз ҳодисалар аввалги йилларга нисбатан бир мунча камайди.

Айни вақтда республиканинг баъзи вилоятларида туб жой аҳолисини кўчки, сел ва сув тошқинларидан огоҳ этиш мақсадида кузатув постлари ўрнатилди, уларнинг ҳар бири транспорт ва тезкор алоқа воситалари билан таъминланди.

Тактик машғулотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби раҳбарлигида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда 150 дан зиёд штаб-қўмондонлик ва махсус машғулотлар ўтказилди.

Вазирликнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Айниқса, АҚШ, Германия, Франция, Россия каби жаҳоннинг етакчи давлатлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорлик алоқалари яхши самара бермоқда.

Йиғилишда вазирликнинг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА).

СООБЩЕНИЕ ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Центральный банк Республики Узбекистан установил с 6 марта 2001 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных платежей/*

1 австралийский доллар	176,95
1 австрийский шиллинг	22,79
1 английский фунт стерлингов	493,36
10 бельгийских франков	77,75
1 голландский гульден	142,33
10 греческих драхм	9,21
1 датская крона	42,12
1 дирхам ОАЭ	91,49
1 доллар США	336,03
1 египетский фунт	87,51
10 испанских песет	18,85
100 итальянских лир	16,20
1 канадский доллар	217,50
1 китайский юань	40,59
10 люксембургских франков	77,75
1 малайзийский ринггит	88,44
1 немецкая марка	160,37
1 польский злотый	84,32
1 СДР	435,94
1000 турецких лир	0,37
1 финляндская марка	52,75
1 французский франк	47,82
1 швейцарский франк	204,16
1 евро	313,65
10 южнокорейских вон	2,64
10 японских иен	28,17
1 российский рубль	11,73
1 украинская гривна	61,90

***/ Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данным курсам.**

Узбекнинг ўз давлати, салтанати ўн йилдан бери гуллаб-яшнамоқда, кучга, қудратга тўлмоқда. Зеро, миллат шонли тарихини, қадриятларини ўрганиш, эъзозлаш, Ватаннинг азиз тупроғини ҳимоя қилиш энг улуғ ишлигини англаб етди. Узлигини англаган миллатга эса асло завол йўқ!

Жамоанинг фахри Фахриддин

Фахриддин жамоасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини қай тарзда амалга оширишни февраль ойидаёқ режалаштириб қўйган. Наврўз байрамига ҳозирлик ҳам аллақачон бошлаб юборилган. Жамоасидаги аскарлар республикамизнинг турли вилоятларидан бўлгани боис улардан мазкур умумхалқ байрами билан боғлиқ одатларни, расм-русумларни билиб олади ва шунга қараб байрамона тадбирга ҳозирлик кўради. Айниқса, Истиқлолимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган йилда Наврўзи оламга капитан Фахриддин Ғойипов хизмат қилаётган батальонда тайёргарлик қизғин.

Аввало бу тайёргарлик посбонларнинг жанговар машғулотлардаги юксак кўрсаткичлари билан боғлиқ. Жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний, дала-ўқув машғулотларидаги ютуқлар шундан далолат. Бунда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Ф. Ғойиповнинг хизматлари беқиёс. Келинг, аввало бу тажрибали офицер ҳақида қисқача маълумот бериб ўтайлик. Фахриддин Бухоронинг Олот туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалигидан. Зиёлилар оиласида ўсиб улғайган йигит Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия ва чақириққача тайёргарлик факультетини тугаллаб, 1993 йилдан Қуролли Кучларимиз сафида. У мустақиллигимизнинг 5 йиллиги муносабати билан «Жасорат» медали билан тақдирланган.

(Давоми 2 -бетда).

● ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

АЪЛОЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Айни кунларда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг битирувчи курсантларидаги ҳаяжонни тушунса бўлади. Негаки, улар давлат имтиҳонларини топширишмоқда. Яъни билим юртида қай тарзда таълим олганлигини, мустақил юрт ҳимояси йўлида баркамол офицер бўлиб етишаётганини исботлайдиган пайт, ҳозир. Эртага улар офицерлик либосини кийиб, қисм ва бўлинмаларга боришади. Шунда шахсий таркибнинг нафақат жанговар тайёргарлиги, балки маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий тарбияси учун ҳам жавобгар бўлишади, улар. Шу боис бўлғуси офицерларнинг — мустақиллигимиз посбонларининг айнан тарбиявий ишлар услуби фанидан давлат имтиҳонларини қандай топшираётганлари билан қизиқдик. Бу борадаги маълумотлар билан билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси доценти майор А. Аҳмедов ўртоқлашди:

— Билим юртимизни тугаллаётган курсантларнинг асосий имтиҳони — ҳаёт синови ҳали олдинда. Уларнинг аксариятидаги билим доирасининг, дунёқарашининг кенглигини кўриб, ҳар қандай синовга тайёр эканликларига амин бўламан. Ана шундайлардан бири катта сержант Ҳасан Халиловдир. У тарбиявий ишлар услуби фанидан давлат имтиҳонини аълога топширди. Имтиёзли диплом билан тугатишга ҳаракат қилаяпти. Мен бу йигит тимсолида қалби миллий истиқлол ғоялари билан суғорилган XXI аср ўзбек офицерини кўраман. Шунингдек, курсантлар Умид Тўйчиев, Баҳром Зулфиқоров, Баҳодир Давроновлар ҳам аълочиларимиздан.

Катта лейтенант Ш. ТОЛМАСОВ.

Жанговар шайлик синови

Яқинда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ таркибига кирувчи қисм ва бўлинмаларнинг қўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўтказилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — қисм ва бўлинмаларнинг террорчи гуруҳларга қарши тезкор ҳаракат қилишини текшириш, уларда бу борадаги кўникмаларни янада шакллантириш, қалтис вазиятларда операциялар ўтказишнинг аниқ ва тўғри чора-тадбирларини ишлаб чиқишда командирларга ёрдам беришдан иборат бўлди.

Ўқув машқлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда қўшинларни жанговар ҳолатга келтириш, махсус операцияларга тайёрлаш ва бу борада бошқарув тизимининг вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иккинчи босқичда эса террорчи гуруҳлар тўдасини йўқ қилиш бўйича махсус операцияларнинг амалий қисми намойиш этилди.

Қўмондонлик-штаб ўқув машқлари якунида унинг раҳбари, округ қўмондони полковник Б. Тошматов ўтказилган бу тадбирни атрофлича таҳлил қилди. Йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш ва келгусида қилинадиган ишлар бўйича кўрсатмалар берди.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси О. АРЗИЕВ.
Нукус гарнизони.

ПРИКАЗ

НАЧАЛЬНИКА ТАШКЕНТСКОГО ГАРНИЗОНА

3 МАРТА 2001 ГОДА № 14 Г. ТАШКЕНТ

О ПЕРЕХОДЕ НА ЛЕТНЮЮ ФОРМУ ОДЕЖДЫ

В соответствии с требованиями статьи 17 Устава гарнизонной и караульной служб Вооруженных Сил Республики Узбекистан —

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. С 5 марта 2001 года всему личному составу воинских частей, военно-учебных заведений и учреждений Ташкентского гарнизона перейти на ношение летней формы одежды.

2. Командирам частей, начальникам военно-учебных заведений и учреждений гарнизона организовать подготовку обмундирования личного состава и привести ее в строгое соответствие с требованиями приказа Министра обороны Республики Узбекистан.

3. Военному коменданту Ташкентского гарнизона усилить контроль за соблюдением правил ношения формы одежды и внешним видом военнослужащих гарнизона.

4. Приказ довести до всего личного состава воинских частей, военно-учебных заведений и учреждений Ташкентского гарнизона.

Начальник Ташкентского гарнизона полковник К. БЕРДИЕВ.

ЖАМОАНИНГ ФАХРИ ФАХРИДДИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамоада тарбиявий ишларни олиб борувчи офицерларга осон тутиб бўлмайди. Ахир, улар посбонларда юксак жанговар, ахлоқий-руҳий сифатларни, Ватанга, бурчга, ҳарбий Қасамёдга садоқатни шакллантиришлари лозим. Қолаверса, мунтазам равишда шахсий таркибнинг кайфиятини билиши, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириши керак. Санайверсак, тарбиячи офицерларнинг вазифалари бир талай. Фахриддин ана шу вазифаларни яхши англагани, буни қатъий режа асосида амалга ошириб келаётгани сабабли ҳам самарага эришмоқда.

Масалан, аскарлар ўртасида ўтказиб келинаётган мусобақани олайлик. Ҳар сафар сафларни ёш посбонлар тўлдирганда уларга мусобақа моҳиятини ўргатади. Бунинг жанговар шайликни оширишда, бурчни садоқат билан ўташдаги аҳамиятини тушунтиради. Таъкидлаш лозимки, бунда иш самарадорлиги сержант Ҳасан Ибодуллаев раислигидаги аскарлар жамоаси кенгашига, ҳам боғлиқ. Аълочиларни тақдирлаш, қолоқ ва қоидабузарларни жазолашда кенгаш қарори муҳим ўрин тутади. Ҳа, ўзини-ўзи бошқаришнинг бу тизимига катта эътибор қаратиб, Фахриддин янглишмаяпти.

Шу ўринда, батальонда ёш офицерлар билан ишлашга ҳам катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, лейтенантлар — Умид Толибжонов, Ленур Алимовлар тажрибали офицерлар кўмагида янада баркамоллашмоқдалар. Жамоадаги аҳилликкa кўпчилик ҳавас қилади. Оддий аскарлар — Ахтам Мўминов, Мирза Каримов, Максим Подмосковнийлар нафақат батальон илғорлари, балки аскарлар жамоаси кенгашининг фаол аъзолари ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, батальон қисмдаги энг илғор жамоа. Аҳиллик, жипслик билан бир мақсадга интилишнинг бошида эса капитан Ф. Ғойиповга ўхшаган тажрибали офицерлар турибди.

Катта лейтенант А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Подполковник Я. КОРУКА суратга олган.

● МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМЛАРИДА

БАРКАМОЛ ЎҒЛОНЛАР—ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Бугун мактаблар ҳовлисини тўлдириб юрган ўғлонларимиз эртанги юрт ҳимоячиларидир. Уларни соғлом, баркамол қилиб тарбиялашда, мурғак қалбларида муқаддас Ватанимизга муҳаббат, буюк боболаримиз анъаналарига садоқат ҳиссини камол топтиришда мудофаа ишлари бўлимлари ходимларининг ҳам ҳиссалари катта бўлмоғи лозим. Бу борада Тошкент шаҳар А. Икромов туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз билан суҳбатда туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Муҳаммаджон Раҳимов жумладан, қуйидагилар ҳақида гапирди.

— Бўлғуси Ватан ҳимоячиларининг жисмонан бақувват, маънан баркамол қилиб ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида бўлимимизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Биз айниқса, мактаб ва маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳар галги чақирув мавсуми олдидан ходимларимиздан капитан Қурбонали Рўзиматов ҳамда старшина Азимжон Ҳакимовлар туман ҳудудида жойлашган 24 та умумтаълим ўрта мактаб, 3 та коллеж ҳамда 1 та касб-ҳунар лицейида бўлишиб, ўсмирлар билан суҳбат ўтказишади. Суҳбат давомида уларнинг орзу ва қизиқишлари, саломатлиги қай даражада эканлиги ҳисобга олинади ҳамда ҳарбий билим юртларида ўқиш истаги бор ўғлонлар алоҳида рўйхатга киритилади. Бу рўйхат умумлаштирилиб, улар тиббий комиссия кўригидан ўтказиладилар ва ўқишга жўнатиладилар.

Ўсмирларни ҳарб илмига қизиқтиришда мактабларда ўтказилаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Яқинда мактаб ўқувчи ўсмирларидан 100 нафарини Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейига, Ички ишлар вазирлигига қарашли олий техника билим юртига олиб бордик. Улар катта таассурот билан қайтдилар.

Ўсмир йигитларимизнинг оилавий аҳволлари билан яқиндан танишишда, уларни тиббий комиссия кўригига тўлиқ жалб этишда маҳалла оқсоқоллар йиғини раисларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Яқинда туман ҳокимлигида улар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда бу борадаги ютуқ ва камчиликларга ҳаққоний баҳо берилди. Мудофаа ишлари бўлими ишига яқиндан ёрдам берган маҳалла оқсоқоллар йиғини раисларидан бир гуруҳи туман ҳокимлиги «Фахрий ёрлиғи» ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Шоли қурмаксиз бўлмаганидек, ўсмирлар орасида чақирувга келмай қоладиганлар ҳам бор. Биз ундайлар билан, ота-оналари билан алоҳида суҳбатлашамиз, Ватанга хизмат қилиш — ҳар бир йигитнинг бурчи эканлигини тушунтирамиз. Бу ишга суд, прокуратура ходимлари ҳам жалб этилади. Яқинда ана шундай ўсмирлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Пировард натижада улар ўз хатоларини тушуниб етдилар.

Шу ойда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Чақирилувчилар кунини ўтказмоқчимиз. Унда 300 нафар бўлажак юрт посбонлари иштирок этадилар. Унда таниқли хонандалар ижросида концерт ташкил этилади. Мақсадимиз — баҳорги чақирувни кўтаринки руҳда ўтказиш.

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди.

● ГРАНИ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

ОТВЕЧАЯ ДОБРЫМИ ДЕЛАМИ

Опыт работы передовых офицеров показывает, что успех в обучении и воспитании личного состава во многом определяется их умением учесть индивидуальные особенности воинов, выбрать соответствующие формы, методы и приемы воздействия на них.

— Если воин активный,— рассказывает заместитель командира взвода по воспитательной работе лейтенант Алишер Данияров, — то я стараюсь по верному руслу направить его силы и возможности. Неуверенному солдату помогаю выработать устойчивую позицию, предоставляю возможность проверить свои силы. Люди в коллективе разные. И к каждому стараюсь найти определенный подход.

Лейтенант А. Данияров— выпускник ТВОКУ. Скоро исполнится два года, как он начал службу в должности офицера-воспитателя. За это время успел зарекомендовать себя с положительной стороны, накопил определенный опыт работы с людьми. И не случайно в училище его любимыми предметами были «Военная педагогика и психология», «Этика и эстетика». Офицер постоянно пополняет свои знания, занимаясь в свободное от службы время самообразованием.

Индивидуальная работа, считает лейтенант Данияров, — наиболее сложный вид воздействия на личный состав. Ее трудно спланировать и учесть. На практике он применяет различные формы и методы: убеждение, поощрение, личный пример, персональные поручения и задания, гласность в оценке результатов боевой учебы, воинской дисциплины, создание общественного мнения и другие.

Умело организовал лейтенант А. Данияров воспитательную работу в коллективе. Вместе со своими помощниками - командирами групп и отделений — старшим прапорщиком О. Даниовым, старшиной по контракту А. Садыковым он проводит индивидуальные беседы и психолого-педагогические наблюдения, организует индивидуальную помощь воинам, привлекает их к участию в общественной жизни.

Особое внимание уделяется тем солдатам, за которыми наблюдались случаи недисциплинированности, нерадивого отношения к выполнению служебных обязанностей. Совместными усилиями намечаются пути воздействия на таких военнослужащих. И командиры добиваются от них образцовой службы, неуклонного соблюдения ими требований уставов. Большое внимание уделяется и тем, кто хорошо служит. Их усилия умело направляются на то, чтобы идти дальше, добиваться новых успехов, помогать сослуживцам в преодолении трудностей.

— Считаю, что индивидуальный подход нужен не только к трудновоспитуемым, — говорит лейтенант Алишер Данияров, — но и ко всем солдатам. Ведь из поля зрения могут выпасть так называемые середнячки. И тогда не исключены случаи зазнайства, самоуспокоенности, формального отношения к выполнению своих служебных обязанностей. Предупредить подобные срывы, не допустить таких просчетов — считаю своим долгом.

Надежным методом в изучении подчиненных лейтенант А. Данияров считает индивидуальные беседы. Они дают ему возможность многое узнать о характере, взглядах, настроениях и интересах солдат и умело на них воздействовать.

Во время бесед, которые проводятся регулярно, лейтенант А. Данияров старается создать теплую обстановку, располагающую к откровенности. Тон его разговора в таких случаях спокойный, задушевный. И не случайно воины делятся с ним своими сокровенными мыслями.

— Бывает, что тот или иной солдат не сразу соглашается с моими доводами, — признается офицер. — В таком случае выручают только терпение, спокойствие и выдержка.

Искренность намерений офицера-воспитателя, тактичность, взаимная откровенность — эти моменты играют важную роль в ее достижении. Он заставляет нарушителя дисциплины задуматься над своим поведением, помогает другому солдату поверить в свои силы и способности, увлекает третьего на достижение новых успехов в ратном труде.

А это как раз то, что и нужно для повышения боевой готовности подразделения. Здесь нет грубых нарушений воинской дисциплины, все воины являются умелыми специалистами, способными всегда выполнить любой приказ командира. На справедливую требовательность и отеческую заботу, на искренность и уважение к себе они отвечают своими добрыми делами.

С. БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

ВЗВОД ОХРАНЫ ПОДАЕТ ПРИМЕР

Военнослужащие воинского коллектива, которым командует подполковник Алишер Мирзаев, не только заняты обеспечением учебного процесса прибывающих на полигон подразделений. Здесь уделяют пристальное внимание повышению и своей боевой выучки.

В частности, на последнем практическом занятии по выполнению упражнения учебных стрельб (№ 1) из автомата отличились воины взвода охраны.

Командир взвода старший лейтенант Мухитдин Нишанбаев, раздав патроны очередной смене, скомандовал привычно «К бою». Остальные подчиненные отрабатывали соответствующие учебные вопросы на других учебных точках.

После того, как воины доложили о готовности вести огонь, вверх взметнулся флажок — сигнал оператору на вышке. И тут же поднимаются первые мишени — ростовые фигуры «противника». Две короткие очереди — есть поражение. Рядовые Мирджалол Мирзаахмедов и Низамиддин Усманов минувшей осенью призваны в ряды Вооруженных Сил. Но для них, имеющих за плечами лишь полгода службы, поразить ростовую мишень со 150 метров — не проблема.

А вот дальше становится труднее, ведь макет РПГ появляется еще на 100 метров дальше и размером вдвое поменьше. Задачу усложняет накрапывающий дождь. Однако и тут ребята с честью вышли из положения. И завершающим аккордом стали меткие выстрелы по «группе пехоты», появившейся на удалении 300 метров. Оценка «отлично»!

— А по-другому и не должно быть, — удовлетворенно улыбается командир взвода. — Ведь эти парни выполняют очень ответственную миссию — охраняют здесь военные объекты и боевую технику. Бдительность и боевая настороженность, отличная физическая и огневая подготовка, высокие моральные качества — вот непреложные и обязательные требования к проходящему здесь службу личному составу.

Уходит на огневой рубеж очередная смена, гремят над полигоном автоматные очереди. Поражаются цели. Доволен старший лейтенант Нишанбаев своими подчиненными. А вот начальник войскового стрельбища старший сержант по контракту Рустам Турсунов недовольно морщится, наблюдая за ведением огня — после такого беспощадного обстрела ему и операторам младшему сержанту Шерали Джамолову и рядовому Дильмуроду Очилову придется ремонтировать мишени.

— Что ж, починим. А хорошо стреляют! — перехватив мой взгляд, улыбается Турсунов.

В этой сдержанной похвале военного профессионала слышится гордость за ребят, за тех, кто готовят достойные подарки 10-й годовщине независимости Узбекистана, верно служа на самых южных рубежах нашей Родины.

Майор А. КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара». Термезский гарнизон. Фото Н. ЮСУПОВА.

СЕРЖАНТЛАР УЧРАШУВИ

Нукус гарнизони офицерлар уйида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий қисмларининг сержантлари билан учрашув ўтказилди.

Уни округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Т. Ҳамроқулов олиб борди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондони полковник Б. Тошматов Қуролли Кучлардаги ислоҳотларнинг хусусиятлари ва жанговар тайёргарликни такомиллаштириш, шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялашда сержантларнинг вазифаси тўғрисида маъруза қилди.

Округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Т. Ҳамроқулов шахсий таркибни тарбиялашда, низомий тартиб қоидаларга қаттиқ риоя қилишда ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда сержантларнинг ўрни ва роли тўғрисида гапирди.

Бердақ номидаги давлат мукофоти лауреати «Аму тонги» газетасининг Бош муҳаррири шоира Гулистон Матёқубова сержантларнинг сержант деган шарафли унвонларига доғ туширмасдан халқимизнинг тинчлигини ва жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун яхши хизмат қилишларини тилади. Янги шеърларидан намуналар ўқиб эшитирди, ўзининг янги чиққан шеърлар тўпламини офицерлар уйи кутубхонасига инъом этди.

Сержантлар номидан Т. Норбеков, Б. Казиев, А. Арзиев ва Ш. Бозоровлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Учрашувда сержантларнинг ўрни ва роли, шахсий таркибни тарбиялашда замонавий жангга шайлик, юқори руҳий тайёргарлик ва ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашга катта эътибор бериши лозимлиги ҳақида сўз юритилди. Бу борада йўл-йўриқлар, янги вазифалар белгилаб олинди.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси О. АРЗИЕВ. Нукус гарнизони.

КУЧИГА ИШОНЧ ОРТДИ

Ҳадемай Илёснинг муддатли ҳарбий хизматни ўтай бошлаганига 6 ой бўлади. Ёш аскарлар йиғини давомида командирларидан қишки ўқув мавсуми ҳақида эшитганди. Дастлабки шунчаки бир машғулотлар кўлами бўлса керак, деб ўйлади. Аммо ўқув мавсуми бошланганидан кейин билдики, машғулотлар анча мураккаб, анча масъулиятли. Астойдил киришиб, шижоат билан ҳаракат қилмаса, олган мажбуриятини ҳам адо этолмайди. Бир томондан машғулотларда сўст қатнашади, иккинчи томондан йигитлик лафзидан қайтган бўлади. Ахир у тактика, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан яхши, жисмоний тайёргарликдан аъло баҳо олишга сўз берган-да.

Кўникмасизлик, тажрибасизлик панд бериб, машғулотларда кўрсаткичлари пасайиб кетаётганини кўрган кичик командир сержант Шуҳрат Юсупов унинг муаммосини дарҳол англади.

— Ўзингни қўлга ол, Илёс. Умумҳарбий Низомларни ўрган, тажрибали посбонлардан билмаганингни сўра. Агар устоз-офицерлардан тортинаётган бўлсанг, юрагингдагини менга айтавер. Биринчи бора уқувсизлик қилган бўлсанг, такрор-такрор машқ қил, — дея маслаҳатлар берди у.

Ҳатто сержант Ш. Юсупов оддий аскар И. Норматов билан ҳар куни шуғулланиб, уни ютуқларга руҳлантириб борди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, оддий аскар Илёс Норматов дала-ўқув машғулотларида дастлабки муваффакиятга эришиб, ўзига, кучига ишончини мустаҳкамлади.

Катта лейтенант С. АЛИЕВ.

Икки касб соҳиби

Оддий аскар Шавкат Тўраев Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан. Ўз йигитлик бурчини ўташга киришганига ҳам ўн олти ой бўлди. Ҳадемай белгиланган муддат тугайди.

— Менинг ҳозир иккита касбим бор, — дейди у фахр билан. — Биринчиси ҳайдовчилик, иккинчиси алоқачи. Ростини айтсам, иккаласини ҳам армия туфайли ўргандим. Нафақат ҳарбий ҳаётда, кейин ҳам фойдаси тегадиган касблар. Шунинг учун ҳам мен аскарлик ҳаётимдан беҳад мамнунман.

Айни кунларда оддий аскар Шавкат Тўраев ўқув машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

— Мен ва мен билан биргаликда хизматларини бошлаган сафдошларим учун бу ўқув мавсуми аскарлик ҳаётимиздаги охирги мавсум. Шунинг учун мен ҳам, сафдошларим ҳам мавсумни фақат аъло натижалар билан якунлашга ҳаракат қиляпмиз.

Аълочи, интизомли аскар бу сафар ҳам ўз сўзининг устидан чиқишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Сержант А. НУРМАТОВ.

● У ВОИНОВ-ПОГРАНИЧНИКОВ

ТРУДНО В УЧЕНИИ

Переход, действительно, был трудным. Многокилометровый марш-бросок через горы был сложным экзаменом на выносливость. Командир подразделения офицер Ф. Саломов уверенно прокладывал путь, ориентируясь по карте на местности. Пронизывающий ветер и суровый мороз в белоснежных горах словно не были помехой. Удобная и теплая одежда, необходимое снаряжение и калорийное питание помогали воинам с легкостью преодолевать горные речушки и крутые тропинки. Главное — в пути был высоким боевой настрой, моральный дух личного состава.

По своему опыту Саломов знал, что горы послаблений не прощают. Поэтому попутно в ходе перехода воины отрабатывали различные приемы ведения боя в горных условиях, проведения разведывательно-поисковых мероприятий. На шестой день подразделение в полном составе прибыло в расположение учебного центра пограничных войск, куда также съехались подразделения из других регионов республики. Основной задачей, которая была поставлена перед участниками сборов, была отработка личным составом подразделений различных форм и способов ведения боя в условиях горной местности, выработка взаимодействия между группами на тактических занятиях.

Надо особо отметить, что организаторами сборов при составлении учебной программы был учтен опыт, приобретенный при боестолкновениях с бандформированиями в августе прошлого года.

Подготовка личного состава шла интенсивно. С раннего утра и до поздней ночи проводились занятия почти беспрерывно: ведение огня из стрелкового и группового оружия, умение преодолевать различные преграды, инженерное дело, психологическая подготовка — изучаемых дисциплин было достаточно. Главное — все они служили тому, чтобы каждый воин был подготовлен основательно. Патриотизм, профессиональная подготовка, физическая выносливость — от этих качеств во время боевых действий зависит жизнь каждого военнослужащего.

В назначенный день начались контрольно-проверочные занятия. Авторитетная комиссия принимала экзамены, оценивая слаженность и действия каждой группы на соответствующих учебных точках.

— К бою! Огонь! — раздаются команды руководителя занятия. Стрельба велась воинами со всех видов стрелкового оружия, гранатометов.

Проверяющий отмечает меткость пулеметчиков сержанта Б. Рахимова, снайперов старших сержантов С. Данаева, Н. Зинченко, гранатометчика рядового А. Хурамова.

На другой учебной точке кипела работа по наведению переправы. Подчиненные офицера И. Игнатенко работали сноровисто и быстро. Вскоре были натянуты переправочные канаты через небольшую горную речушку. Предстояло перейти ее вброд и по канату. Здесь отличились сержанты Ж. Шерматов, Ж. Эрматов, О. Мухамеджанов и А. Шукуров.

Рядом тренировались на высокой обрывистой скале сержанты А. Рустамов, О. Рузматов и другие, отрабатывая элементы альпинизма — подъем на жумарах, спуск на восьмерках с использованием специального снаряжения. Оружие, вещмешок, средства связи, которые за плечами, тянут вниз, и только физическая выносливость и обретенные в ходе занятия навыки позволяют воинам укладываться в нормативное время.

После небольшого перерыва приступают к делу минеры. Рядовые К. Хужамкулов, У. Алимов, Е. Баратбаев устанавливают в снегу учебные противопехотные мины на горной тропинке, на пути вероятного движения противника, а затем готовят к подрыву пешеходный мост через ущелье. Действия воинов оценены руководителем занятия как технически грамотные и тактически правильные.

На других учебных точках также шла борьба за высокую оценку: каждый воин старался показать высокий профессиональный уровень.

Подведены итоги контрольно-проверочных занятий, дана соответствующая оценка. Но учеба еще не завершилась — в оставшееся время надо хорошо освоить современную портативную технику связи, применение которой повысит мобильность подразделений, улучшит управление ими во время боевых действий.

Майор Ш. КАРИМБАЕВ.

● В ПЕРЕДОВЫХ КОЛЛЕКТИВАХ

ТЕМПЫ РАБОТ РАСТУТ

У военных строителей подразделения, которым командует майор К. Ахмедов, трудовые будни заполнены до предела. Круглый год, порой в трудных климатических условиях, они возводят жилые дома, другие объекты соцкультбыта, показывая при этом образцы трудового героизма.

— У наших воинов — замечательная профессия, — говорит офицер К. Ахмедов. — Но нет ее беспокойнее. Люди справляют новоселье в только что сданном доме, а строители опять роют котлованы, а потом закладывают фундаменты. Или сносят старые дома. И на их месте возводят новые. Или едут куда-то в необжитые края, чтобы начать все сначала...

Именно так и приходится трудиться личному составу этого подразделения. А строят, благоустраивают воины различные гарнизоны. Причем самим приходится жить порой в полевых условиях, не обращая внимания на неудобства и встречающиеся трудности.

В прошлом году плодотворно потрудились воины-строители в этих гарнизонах, выполнив большой объем строительно-монтажных, отделочных и других видов работ. Особое внимание уделялось обустройству войск, созданию нормальных бытовых условий для таких же, как они, солдат, а также для семей военнослужащих. Построено и реконструировано немало объектов, предназначенных для выполнения учебно-боевых задач. Назовем немногое из того, что построено. Это — 24-квартирный жилой дом, солдатская столовая, казармы, учебный центр и другие.

С первых дней текущего года темп работ не приостанавливается, а, наоборот, возрастает с каждым днем. Строятся 24-квартирный жилой дом, баннo-прачечный комбинат, боксы для боевой техники. Начата реконструкция старого здания под казарму. Много делается по благоустройству территорий военных городков.

— Успешному выполнению производственных заданий, — говорит заместитель командира по воспитательной работе капитан А. Хамидов, — в первую очередь способствует высокий моральный настрой личного состава, настрой на дела. Приняв на себя высокие обязательства в честь 10-й годовщины независимости Республики Узбекистан, все полны решимости достойными делами встретить приближающийся весенний праздник Навруз.

Весомый вклад в выполнение производственной программы вносит личный состав взводов, которыми командуют капитан М. Рузиев и старший лейтенант У. Бозоров. Эти офицеры вместе с инженерно-техническими работниками многое делают для того, чтобы на строительных площадках широко внедрялись средства малой и тяжелой механизации, технологические карты и карты трудовых процессов, чтобы опыт лучших специалистов становился достоянием всех. Такое отношение к делу в значительной степени облегчает труд солдат, делает его эффективным и высокопроизводительным.

— Но успехи личного состава в труде, — продолжает капитан А. Хамидов, — были бы невозможны без крепкой воинской дисциплины. А достигается она умелой воспитательной работой, которую целеустремленно ведут заместители командиров взводов по воспитательной работе. Среди них особенно хочется отметить старших лейтенантов Р. Ахмедова и И. Нурмамедова.

Хорошо идут дела в группах, которыми командуют прапорщик Х. Хужакулов, старшины по контракту Ш. Рахматов и З. Дустматов. Примером для всех являются командиры секций младшие сержанты А. Атабаев, Э. Аблакимов, Д. Ходжаев и их подчиненные.

В текущем году личному составу подразделения предстоит выполнить большой объем работ. Военные строители ясно представляют стоящие перед ними задачи и полны решимости успешно завершить производственную программу первого квартала, высокими результатами в труде встретить светлый весенний праздник Навруз, а затем все усилия направить на достойную встречу 10-й годовщины независимости Республики Узбекистан, чтобы преподнести знаменательной в истории нашего государства дате новые трудовые подарки.

Б. СЕРГЕЕВ.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

ҲАМКОРЛИК ЎРИНЛИ

Германия социал-демократик партияси эксперти Петер Цумкляйнинг фикрича, ракетадан мудофаа тизимини яратишда россияликлар билан ҳамкорлик қилиш ўринли бўлади. Бу масала бўйича АҚШ ҳамда Европа давлатлари вакиллари Россия мутахассислари фикрини ҳам инобатга олиши керак, деди.

ҲАРБИЙЛАР МУНОСАБАТИ НОМАЪЛУМ

Фижи апеляция суди мамлакат мувақкат ҳукуматини ноқонуний, деб топди. Суд ҳайъати президент Иосеф Илоилога янги ҳукумат тузиш учун 15 мартга қадар парламент йиғинини чақириш ва истеъфога чиқиш мажбуриятини юклади. Хабарларга қараганда, мувақкат ҳукумат апеляция судининг қарорига бўйсунажагини маълум қилган. Лекин мамлакат ҳарбийларининг мазкур қарорга муносабати ҳозирча номаълум.

Фижида мувақкат ҳукумат ўтган йилнинг май-июнь ойларида давлат тўнтаришига уриниш бостирилгач, мамлакат ҳарбийларининг кўрсатмалари асосида тузилган.

ТЎЛА БАЖАРИШ ЛОЗИМ

Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Исроил томони Яқин Шарқ бўйича БМТ доирасида ҳамда ўзаро учрашувларда қабул қилинган битим ва келишув шартларини тўла бажариши лозим, деди. Унинг айтишича, акс ҳолда, миллатчилик ҳаракатлари фаоллаштираётганидан ташвиш билдирди. У агар яқин вақтлар ичида вазият барқарорлашмаса, ушбу ҳудудга халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритилиши мумкинлигини маълум қилди. Ҳозир НАТО мазкур масалани кўриб чиқмоқда, деди Б. Валеро.

ЭЛАТЛАРАРО ТЎҚНАШУВ

Индонезиянинг Борнео оролида элатлараро тўқнашувлар ҳамон давом этяпти. Бу ҳукуматни оролга армия ва полициянинг қўшимча кучларини жўнатишга мажбур этди. Мамлакат мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, оролда можаролар бошлангандан буён беш юзга яқин одам ҳалок бўлган. Бундай тартибсизлик тезда бостирилиши керак. Акс ҳолда, нотинчлик мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалиши мумкин, деди у.

БЕГУНОҲ ҚУРБОНЛАР

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Бурундида ўзаро урушаётган гуруҳларни ўт очишни тўхтатишга чақирди. Можаро кўплаб бегуноҳ фуқароларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда, деди Бош котиб.

Хабарларга қараганда, айни дамда ушбу мамлакатдаги вазият борган сари мураккаблашмоқда. Бир неча кун аввал юз берган жанговар ҳаракатлар натижасида қирқ киши ҳалок бўлди. Шунингдек, эллик мингдан ортиқ одам уй-жойини ташлаб, хавфсиз ҳудудларга кўчиб кетди.

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).

● К 10-ЛЕТИЮ НЕЗАВИСИМОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

МОЛОДЕЖЬ, ДОСТОЙНАЯ НАШЕЙ ИСТОРИИ

В нашей стране повсеместно идет подготовка к юбилейной годовщине со дня провозглашения независимости Республики Узбекистан. Каждый из нас — будь-то молодой человек, представитель среднего поколения или убеленный сединой аксакал — невольно оглядывается на пройденный страной путь.

Своими мыслями, выстраданными за годы предыдущих лихолетий, взглядом в прошлое, на настоящее и в будущее Республики Узбекистан делится сегодня с читателями нашей газеты ветеран войны и труда, полковник в отставке, заслуженный работник народного образования Республики Узбекистан Энвер АРИФОВ.

С Республикой Узбекистан по сути связана вся моя основная биография. Первое, и так получилось, что навсегда, мое знакомство с этим великим краем произошло еще в суровые годы второй мировой войны. На мою долю, как, впрочем, и всех людей старшего поколения, выпало немало. Было неимоверно трудно, но всегда с трепетом вспоминаю былое. Яркой страницей в памяти остались те месяцы, когда довелось быть военным комендантом Ташкента с 1941 по 1942 годы, ведь именно на это время пришлась эвакуация многих заводов и фабрик, мирных людей, огромного количества раненых, детей с Украины и из Белоруссии, западных районов Российской Федерации... Но до победного мая 1945 года еще было немало тревожных дней и ночей.

После войны был военным журналистом, позже, почти тридцать лет, от рядового учителя до заслуженного работника народного образования, посвятил свои зрелые годы народному образованию Узбекистана. Да и сегодня, несмотря на более чем восьмидесятилетний возраст, считаю себя находящимся в строю. Сотрудничаю со многими редакциями газет и журналов, веду общественную и военно-патриотическую работу среди подрастающего поколения и молодежи в махаллинском комитете родной махалли «Узбекистан», что в Мирзо-Улугбекском тумане столицы.

Сегодня, оценивая каждый наш шаг в десятилетии новейшей истории страны, взвешивая каждое решение, принятое во благо грядущих поколений, смело утверждаю, что мы — должники перед своими отцами и дедами за то, что они дали нам, за то, что дала нам Родина, которую они не для себя, а для детей своих и будущих поколений свято берегли и лелеяли.

Развернувшийся десятилетие назад процесс созидания в нашей стране коренным образом изменил отношение людей, наших соотечественников, к жизни, к труду. Новое время и ставит перед каждым из нас актуальнейшие задачи мыслить и трудиться по-новому. Именно о таком независимом времени мечтали наши старшие поколения. Ведь только теперь родной Узбекистан стал полноправным членом мирового сообщества, на равных выступая со всеми своими стратегическими партнерами.

Одним из самых важных приоритетов в стране определено отношение к молодому поколению. Одним словом, в нашей республике сделана ставка на будущее. **«Я вижу и свою судьбу и судьбу нашей страны и независимости, ее будущее в образе молодежи, в ее чистом сердце, свободном мышлении, крепкой воле и мировоззрении», — говорит Президент страны И. А. Каримов.**

Брошюра «Идея национальной независимости: основные понятия и принципы», созданная на основе произведений Президента Узбекистана, определила новый этап в нашей духовно-просветительской жизни. В ее пяти главах изложены принципы нашего духовно-просветительск о г о развития, процветания Родины, вопросы воспитания молодежи в духе национальных и общечеловеческих ценностей.

Не только физических, материальных, но и огромных душевных сил требует воспитание детей. Его нельзя пускать на самотек, уделять этому внимание лишь урывками. Именно потому поступательно и целенаправленно осуществляется эта многосложная работа в нашей стране.

Последние годы у нас проходят под определенными лозунгами — Года женщин, Года здорового поколения, Года матери и ребенка. Это не просто идеологические формулировки. Это скорее ориентиры, по которым необходимо строить свою работу. Согласно им разрабатываются и внедряются серьезнейшие государственные программы, на эти цели расходуются огромные средства. Это свидетельство того, что руководство страны обращает внимание на все звенья, в период которых происходит становление личности — от рождения ребенка до его полного становления как гражданина своего государства.

А вот яркие примеры — подтверждение сказанному. В нашей стране разработан и осуществляется целый комплекс мер, нацеленных на охрану материнства и детства, формирование здорового поколения. Для этого создаются специальные центры матери и ребенка. Успешно работает Международный неправительственный фонд с глубоко символичным названием «Соглом авлод учун» («За здоровое поколение»). При участии этой и многочисленных других общественных организаций медики, психологи, юристы проводят разъяснительную работу с молодыми родителями об их высокой ответственности перед своими детьми. Немалые усилия направляются на то, чтобы окружить особой заботой будущих и молодых мам...

Неоценимую роль в физическом и духовном воспитании подрастающего поколения граждан нашей страны играет Национальная программа подготовки кадров. Она предусматривает комплексы мер по совершенствованию дошкольного, школьного образования. Конкретными шагами по ее реализации можно назвать масштабный проект по созданию в республике новых учебных заведений. Постановлением правительства до 2005 года в стране будут организованы 181 академический лицей и 1611 профессиональных колледжей. Примечательно, что они будут оснащаться самыми современными техническими средствами обучения. Немалые инвестиции направляются на подготовку и переподготовку преподавательских кадров, обновление учебно-методической литературы. Сегодня уже можно уверенно говорить о том, что капиталовложения в сферу образования республики начали давать первые плоды.

Наша образовательная модель находит свое международное признание. Осенью минувшего года Президенту И. А. Каримову было вручено звание почетного доктора Нидерландского университета Фонтис. Опыт Узбекистана стал темой рассмотрения международной конференции под эгидой ЮНЕСКО, состоявшейся в 2000 году в Ташкенте. Усилия руководства республики, прежде всего в этой сфере, были высоко оценены и во время недавнего визита делегации российских ученых. Ректор Московского государственного университета Виктор Садовничий в торжественной обстановке вручил главе нашего государства диплом почетного профессора этого известного в мире высшего учебного заведения. При этом Виктор Садовничий отметил, что работа, проводимая в Узбекистане по воспитанию нового поколения, кардинальному реформированию системы образования, получает высокую оценку российских ученых.

Для нашей страны очень важно вырастить высокообразованных специалистов, способных работать на уровне самых высоких мировых стандартов. Но не менее важным остается воспитание молодых людей крепких духом, преданных своей Родине, земле, которая их вскормила и воспитала. Не случайно глава нашего государства с тревогой говорит о том, что **«...Кто хочет поставить преграды на нашем независимом пути развития, достижения наших целей, построения нового общества, прежде всего пытаются повлиять на духовность еще неокрепшей молодежи с несформировавшимся мышлением, затуманивая их идеями, противоречащими природе и священным традициям нашего народа, стремятся превратить их в орудие на пути достижения своих корыстных и низменных намерений».**

Все мы хорошо знаем, что эта озабоченность далеко не беспочвенна. Можно вырастить здорового ребенка, дать ему прекрасное образование, но при этом не воспитать в нем чувства уважения и любви к родителям, преданности родной земле, стремления трудиться во имя ее процветания. И как результат, такой человек — «перекати-поле» — без ценностей в жизни, без цели и веры, не задумываясь ни о чем, пойдет за тем, кто сделает заманчивое предложение. Поэтому все чаще с различных трибун говорится о необходимости воспитания молодежи на общечеловеческих ценностях, на великом наследии предков.

Эта тема не так давно вновь поднималась, когда Президент И. А. Каримов выдвинул предложение о необходимости создания общественной молодежной организации. На нее возлагаются большие задачи, с ее деятельностью связываются большие надежды. Но она не должна формализоваться, не должна стать организацией ради организации и ее функционеров. Очень важно, чтобы эта организация стала подлинно молодежной, чтобы ей доверяли, и она могла выполнить поставленные перед ней задачи.

От того, какими вырастут наши дети, насколько они смогут стать настоящими патриотами и гражданами своей страны, во многом зависит и место Узбекистана в мировой политике XXI века. Убежден, что десятилетний юбилей независимости нашей Родины даст еще много тем для размышлений. В одном уверен точно — наша молодежь — достойный продолжатель истории обновленного Узбекистана.

ОТ РЕДАКЦИИ: Вчера автору этой статьи Энверу Джелиловичу Арифову исполнилось 83 года. Коллектив редакции газеты «Ватанпарвар» желает нашему нештатному корреспонденту крепкого здоровья, долгих и счастливых лет жизни, новых творческих успехов.

● МУНОСАБАТ

ЁШЛАР ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Юртбошимиз «Камолот» ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлсин», деганида кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Сабаби биз анчадан бери тарқоқ ёшларни бирлаштирувчи, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшувчи, руҳан ва моддий томондан қўллаб-қувватловчи қудратли ташкилотга эҳтиёж сезаётган эдик. Ахир ёшлик — шижоат фасли. Тадқиқотларга кўра, нисон ёшлигида ҳамма нарсага қизиқувчан бўлар экан. Шундай экан, мавжуд қобилиятни тарбияловчи, катта ҳаёт йўлларидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берувчи, ютуқларини рағбатлантирувчи ўз ташкилотининг бўлиши ёшларга қанот бахш этади, ўзлигини намоён қилишга имконият яратади.

Бу ғалги суҳбатимиз бирор мажлис залидан ёки давра столи атрофидан ёзиб олинган йўқ. Турли тонфадаги ёшларнинг фикрларини, ушбу тузилаётган ҳаракатга муносабатларини билишга ҳаракат қилдик. Қани, ёшларнинг қалбига қулоқ тутайлик-чи, улар бу янги ҳаракатдан нималар кутишаяпти?

Доно ОТАҚУЛОВА (журналист): — Илгариги «Камолот» ташкилотининг бошланиши ёмон бўлмаганди. Вироқ вақт ўтган сайин бу ташкилот ўз мавқеи ва нуфузини йўқотиб борди. Президентимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузиш ғоясини илгари сурганидан жуда хурсанд бўлдим. Замон, вақт ёшларнинг зиммасига катта масъулиятларни юкламоқда. Агар биз бирлашсак, катта кучга айланамиз. Чунки ҳар биримизнинг қалбимизда ёшликнинг сўнмас олови ёниб турибди. Келажакда шу азиз юртнинг корига бизлардан бўлак ким ярайди?! Ҳар биримиз шуни ич-ичимиздан ҳис қилмоғимиз керак. «Ҳолва» деган билан оғиз чучимайди. Назаримда, дилимизнинг тубидаги олий мақсадларни амалга ошириш пайти келди.

Равшанбек СУЛТОНОВ (Тошкент юридик институти талабаси): — «Камолот»нинг қайта тузилиши яхши бўлди. Мен ён-атрофимиздаги айрим бекорчи ёшларни кўриб, қийналардим. Энди ўйлаб кўрсам, уларнинг бирлашишлари учун, ўзларини тутиб дунёга ёруғ юз билан қарашлари учун «Камолот» ҳаракати жуда зарур экан. Аксарият ёшларимиз ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Шунинг учун жойларда «Камолот»нинг ҳуқуқий маслаҳатхоналари очилса яхши бўларди. Балки, ўшанда ёшларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўғри фойдаланишар.

Мухлиса ҲАСАНХЎЖАЕВА (Қуролли Кучлар хизматчиси): — Ёшлардан талаб этилаётган нарса битта — бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ўз йўналишларини тўғри аниқлаб олиш. Мен аминман, агар ташкилотчи бўлса, ҳамма ишни амалга оширса бўлади. Ёшларга учиш учун «қанот» керак. Назаримда «Камолот» қанот вазифасини бажаради.

Ўқиб чиққанингиздек, ёшларда бундай фикрлар кўп. Асосийси, улар янгиликларни ҳис қилишаяпти ва ўзларининг ҳаётларига тарғиб этишаяпти. Муҳими ҳам ана шунда.

Д. КЎЧКИНОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

● ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЯҚДИЛ

АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Мудофаа вазирлиги автомобилларни таъмирлаш заводининг лейтенант Баҳром Саидов командирлигидаги техниклар взводида Фарғона шаҳридан, вилоятидан хизматга чақирилган аскарлар кўп. Шунинг учун ҳам «Заводга Фарғонадан бир гуруҳ меҳмонлар келаяпти», деган хабар тарқалганда уларнинг хурсандчилиги чексиз бўлди. Ҳатто унча-мунча санъатга қизиқмайдиганлар ҳам секингина

«Фарғонанинг шамоли бор,
Ёрнинг шоҳи рўмоли бор,
Шоҳи рўмол зийнат берган
Тўлин ойдек жамоли бор»

дея хиргойи бошлаганларини билмай қолишди. Тўғри-да, «Соғинчли салом хат»лар йўлланаётган азиз гўшадан нақ харбий қисмга кадрдонлар, дўст-ёрлар келганига суюнмаслик мумкинми, ахир!

Ниҳоят, бир неча кун орзиқиб кутилган азиз меҳмонлар «Дамас» машиналарида завод ҳовлисига кириб келишди. Назаримда нур ёғилиб турган чеҳралардан, фарғонача ширин каломдан, мулозаматдан кишнинг сўнгги куни баҳорга дўниб, юзларда, кўзларда акс этаётган шоду хуррамлик аломатлари юракларда акс-садо берди.

Тантаналар ҳам ўзига хос тарзда режалаштирилган экан. Шинам «Аскарлар ошхонаси»да вилоят тарихидан, унинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан, мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ўзгаришлар, янгиланишлардан ҳикоя қилувчи, аскарларга чил сўзлари, саломномалар йўлланган ҳужжатли фильм — видеотасмани айниқса аскарлар миқиб томоша қилишди. Вилоят телевидениеси тайёрлаб жўнатган ушбу ҳужжатли фильм тугагандан сўнг республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи, делегация раҳбари Тўлқинжон Зоҳидов ўзбек миллатининг дунё тарихида, маданиятида тутган ўрни, буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти, аскарнинг Ватан, халқ олдидаги шарафли бурчи ҳақида тўлқинланиб маъруза қилди. Шунингдек, аскарлар кутубхонасига меҳмонлар номидан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг асарларини, ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий адабиётларни, «Истиқлол фидойилари» серияси чоп этилган китобларни, Эркин Воҳидов, Нажмиддин Комилов, Тоҳир Қаҳҳор каби кўплаб муаллифларнинг янги асарларини, «Маънавият бурчаги» учун туркум плакатларни совға қилди. Намунали хизмат қилаётган аскарлар эса эсдалик совғалар, фотоальбомлар билан рағбатлантирилди. Рағбатлантиришлар яна давом этиб, гулдурос қарсаклар остида ҳарбийлар жамоасига Мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан, қолаверса Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги юксалишида, кўплаб малакали мутахассисларни тайёрлашда сезиларли ҳисса қўшаётгани учун Фарғона шаҳар ҳокимининг «Фахрий ёрлиғи» топширилди.

Тантанада делегация аъзолари — республика «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Тўхтасинҳожи Алижонов, Халқаро «Экосан» жамғармаси шаҳар бўлими директори Усмонжон Умаров, аскар оталари — Юсуфжон Алимбоев ва Тоҳиржон Қораболевлар ҳам аскарларга кўнгилларидаги эзгу тилакларини изҳор этишди.

Шундай қилиб тантаналар куй-қўшиқларга уланиб кетди. «Фарғона булбули» деб ном олган Убайдулла Алиев, хушовоз хонанда Дилшоджон Турсуналиевлар ижросидаги мумтоз ва замонавий қўшиқлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Аскарлар, ота-оналар давра олиб ўйинга тушишди.

Махсус концерт дастури ниҳоясига етгандан кейин завод бош муҳандиси подполковник Бахтиёр Эргашев сўзга чиқиб, завод раҳбарияти, ҳарбий жамоа аъзолари номидан делегациянинг ҳар бир аъзосига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонлар аскарлар ҳаёти билан ҳам яқиндан танишдилар. Энг юксак талабларга жавоб берадиган казарма, дам олиш хоналари, спорт майдонлари, автомобиль тузатиш цехларини кўздан кечириб чиққан делегация аъзолари аскарлар учун яратилган барча шарт-шароитлардан жуда мамнун бўлишди.

Шу йўсинда Фарғона шаҳри делегациясининг автомобилларни таъмирлаш заводига ташрифи ниҳоясига етди. Тўғрироғи, дилларда меҳр-муҳаббат, ғурур, ифтихор туйғуларини долғалантирган, ўз бурчига, касбига садоқатни оширган маданий-маърифий алоқалар янги босқичга қадам қўйди. Демак, ташрифлар мунтазам давом этгуси.

Капитан А. УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
К. ТУРАЕВ олган сурат.

ЛАТОФАТ БЕЛЛАШУВИ

Акмал Икромов туманидаги 251-мактабда 6-синф қизлари ўртасида Хотин-қизлар куни муносабати билан «Она билан бола — гул билан лола» мавзусида беллашув бўлиб ўтди. Унда иштирокчи қизлар оналари билан мусобақада қатнашдилар. 5 хил шарт бўйича давом этган мусобақа қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ўзига хос синов бўлди. Қизлар беллашувда миллий урф-одатларимизни, каштачилик, тўқувчилик, пазандалик, чеварлигини намоён этишди, иштирокчилар, маҳалла оқсоқоллари ва мактаб маъмурияти томонидан тузилган жюри аъзолари шартлар ижроси бўйича мусобақа қатнашчиларига баҳо бериб боришди. Очилова, Маҳмудова, Нортожиева, Тўлаганова, Қосимова, Содиқова, Ваҳобова каби иштирокчилар мусобақада фаол қатнашиб, кўпчиликда, айниқса катта таассурот қолдиришди.

Алия ПАРМАНҚУЛОВА, ўқитувчи. Тошкент шаҳри.

● НАВРЎЗ ИНШООТЛАРИ

ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ КОРХОНАСИ

Янгийўл туманида барпо этилаётган целлюлоза-қоғоз фабрикасида ишлар тобора жадаллашмоқда. Наврўз арафасида ишга тушириладиган бу корхонани мамлакатимиз қоғоз саноатининг тўғричи дейиш мумкин.

Бугунги кундалик ҳаётимизда қоғоздан кўп ишлатиладиган буюм бўлмаса керак. Ибтидоий қоғозни хитойликлар ўйлаб топган дейишади. Аммо бир вақтлар Самарқанд қоғози дунёга қанчалар машҳур бўлгани ҳам бор гап. Биз эса ана шу ноёб маҳсулот ихтирочиларининг авлоди бўла туриб, ҳамон қоғозга ёлчимаймиз. Тўғри, қоғоз бозорда ҳозир анча сероб. Аммо нархи осмонда. Чунки қоғознинг асосий хомашёси — целлюлозани Россиядан валютага сотиб олиш лозим. Ангрендаги «Саноатқалинқоғосавдо» корхонасида сомондан целлюлоза олишга уриниш эса муваффақиятсиз чиқди. Айни пайтда мамлакатимизда «Ўзбеккоғоз» очиқ акционерлик жамияти қоғоз чиқитларидан иккиламчи маҳсулот олишни аллақачон йўлга қўйган. Вироқ, тоза қоғоз олишга ҳамон муваффақ бўлинмаган эди. Шу жиҳатдан, «Ўзбеккоғоз»га қарашли Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикасини чин маънода ижтимоий аҳамияти улкан ҳодиса дейиш мумкин.

Мазкур иншоот пахта линтидан бир йилда 20 минг тонна целлюлоза, 12 минг тонна ёзув қоғози ишлаб чиқариш қувватига эга. Республикамизнинг тоза қоғозга бўлган йиллик эҳтиёжи ўртача 20 минг тонналигини эътиборга олсак, бу кўрсаткич чакки эмас. Фабрикада тайёрланадиган целлюлозанинг бир қисми қоғоз ишлаб чиқаришда қўлланилса, қолган қисми хорижга экспорт қилинади.

Кези келганида қоғоз саноатимизнинг замонавий гиганти нима учун айнан Янгийўл туманида барпо этилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Қарийб ўн бир гектар майдонни эгаллаган қоғоз фабрикаси айни ўрнига тушди, демоқда мутахассислар. Фабрика ёнида хомашёнинг асосий қисмини етказиб берадиган биокимё корхонаси, сал нарида корхона учун зарур бўладиган этил спирти ишлаб чиқарувчи завод, йўлнинг нариги томонида эса линт «макони» — пахта тозалаш заводи жойлашган. Темирйўл ва автомагистраль ҳам фабрика яқинидан ўтади.

Ҳозиргача асосий ишлаб чиқариш биноларининг қурилиши битди. Уни тўлиғича ўзбекистонлик қурувчилар амалга оширди. Асбобускуна ва дастгоҳларнинг энг замонавийлари эса хориждан келтирилди. Франциянинг «Клекстрал» фирмаси мутахассислари янги технологияни ўрнатиш ва созлаш ишларини бажарди. Дастлабки маҳсулот намуналари ҳам олинди. У қўйилган талабларга тўла мос чиқди. Корхона бош муҳандиси Владимир Алакин қурилиш бошланишидан олдин бир гуруҳ ҳамкасблари билан Францияда бўлиб, целлюлоза-қоғоз саноати фабрикаларидаги иш жараёни билан танишиб келган эди.

— Бизнинг фабрикамиз хориждагилардан қолишмайди,— дейди В. Алакин ишонч билан.— Чунки у ўта замонавий бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни тўла автоматлаштирилган. Линияларни битта операторнинг ўзи бемалол бошқариши мумкин. Ҳозир маҳаллий ёшларни ишга қабул қиляпмиз. Уларнинг бир гуруҳи Тошкентда — «Ўзбеккоғоз» корхоналарида иш ўрганиб келди.

Фабрикани электр, сув, иссиқлик билан таъминловчи ёрдамчи тармоқларнинг кам-кўсти бутланмоқда. Маъмурий бино қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Айни пайтда ободонлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Ахир Наврўзда ишга тушадиган иншоот ҳам гўзал бўлиши керак-да! Корхона ҳовлисида боғ барпо этилмоқда. Йўлакларга асфальт ётқизилиб, четларига гул ва мевали дарахт кўчатлари ўтказиляпти. Ишчилар унумли ишлаши ва ҳордиқ чиқаришига ҳам катта эътибор бериляпти. Йил бўйи янги сабзавот бўлиши учун иссиқхона ҳам қуриляпти.

Янгийўлдаги янги корхонага иш сўраб келаётганлар кўп. Ҳамма ҳам яхши шароитда, дурустгина ҳақ тўланадиган жамоада ишлашни орзу қилади. Фабрика эса ана шу талабга жавоб беради. Янги корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда 350 киши иш билан таъминланади.

Л. СУВОНОВ, Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбирлари.

Экономика. Наука. Техника

ЦЕНЫ СНИЖАЮТСЯ...

Компания Делл Компьютер объявила о продолжении политики агрессивного снижения цен на выпускаемые ею компьютеры. Эта стратегия была начата Делл в четвертом квартале 2000 года и будет продолжена в первом квартале 2001 года. Как сообщается, такое решение было принято потому, что на рынке продолжается снижение цен на комплектующие (в четвертом квартале они снижались со средней скоростью 1% в неделю).

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Канада ҳукумати Ҳиндистоннинг Гужарат штатида юз берган зилзила асоратларини тезроқ бартараф этиш учун яна беш миллион доллар ажратишга қарор қилди. Бу ёрдам табиий офатдан талофат кўрган оилалар шароитини яхшилашга сарфланади. Канада илгари беш миллион доллар ажратган эди.

НАЙДЕН НОВЫЙ ПРОТЕИН

Обнаружен белок, который способен предсказать шансы на выживание при раке груди. Американские исследователи обнаружили, что высокий уровень этого белка может считаться хорошим признаком. Через 10 лет после постановки диагноза были живы 82 процента обследуемых.

МАМЛАКАТДА ЯГОНА, ДУНЁДА УЧИНЧИ

Хитойнинг Нанке вилоятида 21,2 километр узунликдаги кўприк ишга туширилди. Янцзи дарёсидан ўтган ушбу иншоот узунлиги жиҳатидан мамлакатда ягона, дунёда эса учинчи ўринда туради. Унинг қурилишига 3 миллиард юан миқдорида маблағ харж қилинди. Кўприкдан кунига 60 минг автомобиль ўтиши мумкин.

СОЛЬ СНОВА ОБЪЯВИЛИ БЕЛОЙ СМЕРТЬЮ

Чувствительность к соли увеличивает риск смерти независимо от того, повышается ли при этом артериальное давление или нет. Простого и доступного теста для определения этой чувствительности нет, поэтому врачи считают, что каждому из нас следует не искушать судьбу и снизить потребление соли.

(По материалам печати).

ЗУЛФИЯ ШЕЪРЛАРИ ЯНГРАДИ

Баҳорнинг илк кунида Шимоли-ғарбий ҳарбий округда халқимизнинг севимли шоираси, озодлик ва тинчлик, гўзаллик ва нафосат куйчиси шоира Зулфия таваллуд топганига 86 йил тўлиши муносабати билан «Озодлик ва тинчлик куйчиси» номли адабий кеча ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши котибияти бошлиғи Замира Шомуродова, Бердақ мукофоти совриндори, «Аму тонги» газетаси муҳаррири, Зулфия опанинг севимли шогирди, шоира Гулистон Матёқубова ва шоиралар — Назира Матёқубова, Гулнора Нурлепесова, Набира Тўрашева, Фотима Мирзабоевалар иштирок этдилар. Ёзувчи Тўлепберген Қайипбергенов ҳарбий хизматчиларга Зулфия опа фазилатлари, Гулистон Матёқубова эса шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапиришиб, Зулфия опа ёзган шеърлардан намуналар ўқишди.

Меҳмонлар Зулфия опа собиқ шўролар даврида яшаб туриб ҳам озодлик, эрк ҳақида куйлаганликларини айтиб ўтишди.

Ҳа, Зулфия опа халқи озодлигини, истиқлолини жуда хурсанд кутиб олди.

Ҳурриятнинг келдингми,
наҳотки келдинг,
Келар йўлингга пиҳона толдим.

Зулфия опа урушнинг инсоният бошига қанчалар кулфат ва ғам солганлигини ўз кўзи билан кўриб, бутун жаҳонда Тинчлик бўлишини истади.

Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

деб дунёдаги жамики оналарнинг фақат тинчлик исташини, фарзандлари соғ-саломат бўлиши тилагида эканлиги ҳақида куйлаганликларини аскар йигитлар мамнуният билан эшитдилар.

Кеча сўнггида қўмондоннинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Т. Ҳамроқулов сўзга чиқиб, ташриф буюрган ёзувчи ва шоираларга аскар ва офицерлар номидан миннатдорчилик билдирди.

Бибижон МАМУТОВА, кутубхоначи.

Бумага из Намангана

В Намангане налажено производство высококачественной писчей бумаги. Ее выпускает расположенная здесь фабрика, получившая название «Намбум».

Первое время молодое предприятие испытывало различные трудности и никак не могло наладить производство. Поддержка пришла от английской компании «Квик стоп групп» во главе с ее президентом Дж. Пателем.

Сегодня финансово-экономическое положение бумажной фабрики вполне стабильно. Сейчас ведется проверка оборудования, пробный выпуск бумаги. Но уже вскоре предприятие станет работать на полную мощность и выпускать до 10 тысяч тонн бумаги в год.

Одно время фабрика производила бумагу из макулатуры, сейчас сырьем ей служит древесная целлюлоза. Первая партия бумаги, отправленная в Ташкент для маркетинговых исследований, оказалась высокого качества. По внешним параметрам она не уступает известной финской бумаге.

Проблем с поставкой древесной целлюлозы предприятие не испытывает. И все же здесь решили наладить производство собственной целлюлозы из хлопкового линта. Строительство специализированного цеха уже начато.

С вводом нового предприятия работу на нем получили более 150 человек. По мере увеличения мощностей возрастет и число работающих здесь людей.

Н. ХОДЖАЕВА, корр. ЎзА.

● В ПРЕДДВЕРИИ ПРАЗДНИКА

Добрые пожелания мамам

Богат и величествен государственный язык. Особо звучит он — литературный, словно «инкрустированный» словами-каменьями целой плеяды известных всему миру наших поэтов и писателей. Каждую весну, в самые первые ее дни, он как будто оживает, сверкая всеми своими гранями, когда речь заходит о подборе бесконечного количества эпитетов в честь женщины-матери.

В 1'од матери и ребенка немало различных встреч, интересных мероприятий задумали провести сотрудники Центрального музея Вооруженных Сил. А одно из них уже состоялось. Военнослужащие столичного гарнизона накануне Международного женского дня в выставочном зале музея встретились с заслуженной учительницей Республики Узбекистан, отличником народного образования Раисой Аюповой, ее коллегой Дильбар Абдуллаевой, а также с молодым ученым Дильнозой Норбаевой.

«Здравствуйте, мои черные глазки, сладкие уста», — поприветствовала, щедро улыбаясь, несколько необычной в среде военных фразой своих слушателей опытный учитель Раиса-апа. Именно этими первыми своими словами опытнейший педагог с сорокалетним стажем работы и завладела сразу вниманием аудитории. Как завороженные, внимали каждому ее слову курсанты Ташкентского ВОКУ, солдаты и сержанты, проходящие срочную службу в столице. Много интересного рассказала она им о себе и о лучших своих годах преподавания родного языка и литературы многим поколениям узбекистанцев. С теплотой Раиса-апа вспоминала свою родную школу № 148, где много лет была завучем, директорствовала. Большинство ее учеников сегодня — известные в нашей стране люди, строящие со всем народом новый Узбекистан, который отметит вскоре десятилетие своей новейшей истории.

Сама прекрасная мама и любимая бабушка, Раиса-апа Аюпова знает цену материнского слова, потому и говорила особенно тепло и ласково с молодыми людьми в военной форме. Старалась подобрать каждую фразу, чтобы сказанное действительно походило бы на то, как сказала бы каждому из них самая дорогая и единственная мама.



Своими мыслями с защитниками Родины поделилась учительница Дильбар Абдуллаева, которая сегодня обучает новое поколение узбекистанцев любви и нежности к самому дорогому человеку — маме, к Отчизне. Молодой ученый Дильноза Норбаева, сотрудница Института ядерной физики Академии наук Узбекистана, рассказала об успехах ученых нашей страны в самых различных областях науки, среди которых немало трудов, принадлежащих женщинам.

В контексте состоявшейся встречи прозвучали стихотворения современных поэтов о мамах, бабушках и сестрах, которые продекламировали дети военнослужащих. Ученики школы № 71 Мирзо-Улугбекского района Юля Плакида, Азиза Азимова, Ахтам Хаятметов и Евгений Бисеров прочитали отрывки из произведений Нодиры, Увайси, Абдуллы Арипова. Не были в стороне от литературной части встречи и сами военнослужащие. Рядовой Махмуд Туйчиев, курсанты Сохиб Бахадыров, Турсунпулат Хакимов, Руслан Таджибаев, Тимур Хасанов посвящали свои поздравления всем милым женщинам, дорогим мамам. В их исполнении лирические строки звучали особенно проникновенно. Ведь каждый военнослужащий с первых дней своей службы знает, насколько сильна любовь на большом расстоянии.

Эта теплая встреча в Центральном музее Вооруженных Сил закончилась добрыми напутствиями Раисы-апы Аюповой. Она пожелала всем матерям, бабушкам, женам, сестрам воинов в эти предпраздничные дни всего самого хорошего, и самое главное — скорейшей встречи их с любимыми и дорогими сыновьями, внуками, мужьями и братьями. Эти слова были тепло приняты под одобрительные долгие аплодисменты. А еще солдаты и курсанты в память о состоявшейся встрече подарили гостьям прекрасные весенние букеты.

Подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.

На снимке: **Р. Аюпова во время встречи с военнослужащими.**

Фото **Н. ЮСУПОВА.**

● 2001 ЙИЛ — «ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»

ОНА СОҒЛОМ—БОЛА СОҒЛОМ

Аёл улуғланган, аёл эъзозланган юрт қудратли ва даражаси юқори бўлади, дейишади. Бунда чуқур маъно бор. Зеро, аёл—аввало она. У юраги остида ҳазрати инсон зотини дунёга келтиришга тайёрлар экан, аввало соғлом, ҳаёти осойишта, қалби эса яқинлари меҳри билан банд бўлмоғи лозим. Мана шундагина у жамиятга соғлом, ақлу заковатли фарзанд етказиб беради. Бундай фарзандлардан бўлажак даҳолар чиқиши шубҳасиз, бундай фарзандлар дунёни эзгуликка етаклайди.

Келажак авлод ташвиши билан яшайдиган элат борки, аёл ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида қайғуради. Бизнинг аждодларимиз қадимдан аёлни — онани улуғлаган. Шунинг учун миллатимиздан чиққан минглаб олимлар, шоирлар, амиру баҳодирлар юрт довруғини жаҳонга танитган.

Мустақиллигимиз шарофати билан аёлларга давлатимиз томонидан эътибор кучайди. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили»нинг мазмунмоҳияти ҳам аёл ва унинг дилбандига бағишлангани бежиз эмас. Бу билан онла чироғи бўлган аёлларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнига эга бўлишлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, 2001 йилни республикамизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши юртимиз аёллари учун янги аср туҳфаси бўлди. Чунки барча аёлнинг орзуси аввало соғлом фарзанд кўриш, уни эл назарига муносиб этиб тарбиялаш. Она учун фарзанди туфайли эл раҳматиини олиш энг катта мукофотдир.

Ҳурликка эришган юртимизга эса уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ўтган даврдаги озорларига малҳам бўладиган, жаҳоннинг кўзга кўринган давлатлари сафига уни етаклай оладиган ўғил-қизлар керак.

Бизнинг Жаҳон тиллари университети қошидаги тиббиёт кафедрасида ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Асримизнинг тўнғич йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилингани боис кафедрамиз ўзининг зиммасига бир қанча масъулиятли вазифаларни олди. Яъни, биринчи навбатда тиббиёт кафедраси талаба қизлар ўртасида аёллар саломатлигига доир тарғибот ишларини олиб бормоқда. Қизларимизни келажакда соғлом оналикка тайёрлаш мақсадида турли хил маърузалар ўқиб келиняпти. Келажакда она бўладиган бу талаба қизларимиз ўзларининг саломатликлари мустаҳкам бўлиши учун нима қилиши кераклигини эндиликда тушуниб етадилар.

Бу белгиланган вазифаларимизнинг дастлабки одимлари. Биз йил давомида қизларимиз билан уларни оилага тайёрлаш, фарзанд тарбиялаш масъулияти юзасидан ҳам маърузалар ва давра суҳбатлари олиб борамиз. Мақсадимиз ўтмиши буюк ўтган элимизнинг келажагини буюк қилмоқ учун мустақил юртимизга муносиб авлодлар етказиб беришга ўз ҳиссамизни қўшиш.

Мансуба ФАИЗУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ўқитувчиси.

● ЭКОНОМИЯ И БЕРЕЖЛИВОСТЬ

«Поставьте счетчик, вам зачтется»,—

ПОЛАГАЮТ В ПРОИЗВОДСТВЕННОМ ОБЪЕДИНЕНИИ «ТАШТЕПЛОКОММУНЭНЕРГО»

С генеральным директором этого объединения Л. КОСТИНЫМ беседует корреспондент Национального информационного агентства Узбекистана.

— Леонид Андреевич, электроэнергию и газ мы уже считаем скрупулезно, бережно их используем. Думается, есть экономическая целесообразность и в хозяйском, рачительном отношении к расходу тепла и горячей воды. Комфорт — дело стоящее, но и им надо дорожить. Какие новшества уже внедряются сегодня, что они дают, как нам с ними обходиться?

— Пока речь будем вести о столице республики. Надеюсь, другие города также заинтересует наш опыт. Переход к рынку повлек сегодня за собой приведение тарифов на тепловую энергию в соответствии с фактическими затратами на ее производство. Возникла необходимость в поиске путей рационального энергоиспользования, которые могут быть найдены только при повсеместном применении приборов учета расхода потребителями тепловой энергии и горячей воды.

Практика показала, что оборудование пункта учета тепловой энергии и теплоносителя требует значительных капиталовложений, но в результате позволяет упорядочить взаимные расчеты между теплоснабжающей организацией и потребителями, а также значительно снизить расходы абонентов на оплату тепловой энергии и теплоносителя. Благодаря этому затраты на оборудование пункта могут окупиться в считанные месяцы.

Так, при установке приборов экономия за октябрь, ноябрь и декабрь минувшего года по ташкентской школе № 317 составила 3 миллиона 198 тысяч сумов, детскому саду № 599 — 1 миллион 342 тысячи сумов. Есть организации, сберегающие таким образом даже десятки миллионов сумов. И это показательно.

— А если взять квартиры?

— И здесь есть положительные примеры. Ведь вместе с приборами учета в квартирах надо устанавливать термостатические регулирующие клапаны на отопительных приборах для экономии тепловой энергии. Здесь-то и решается судьба учета и регулирования тепловой энергии на отопление. Термостатический регулирующий клапан намного дешевле теплосчетчика, и его установка в квартирах предпочтительнее. Однако будем помнить и о том, что экономия от установки приборов учета в квартирах может быть получена при условии, если жильцы будут пользоваться регуляторами на отопительных системах. Тогда экономия тепловой энергии может составить 20 процентов годового расхода на отопление, поскольку система регулирования должна не только исключить излишний расход тепла, но и обеспечить снижение температуры воздуха в квартире в ночное время или при отсутствии хозяев. А иногда их не бывает неделями и даже месяцами.

Массовое внедрение приборов учета горячей воды в квартирах жилых домов позволит уменьшить, а потом и полностью устранить ее сверхнормативное потребление. В одной из семей, проживающих по улице Поленова, одна только экономия горячей воды составила за октябрь, ноябрь, декабрь 2000 года 2083 сума. Владельцы квартиры на массиве Госпитальный вместо 1800 сумов по норме заплатили 623 сума. Согласитесь, для семейного бюджета это немало.

— Значит, все вновь сооружаемые жилые дома будут отныне оборудованы счетчиками горячей воды?

— Если прибор приобретен на средства жильца, то экономический эффект становится положительным после того, как затраты на него окупятся за счет экономии средств на плату за воду при условии, что срок окупаемости меньше срока службы прибора. Срок же окупаемости — три года.

— Выходит, затраты на установку счетчиков воды должен нести жилец?

— Да. Но он же должен иметь право на использование первичного экономического эффекта, полученного за счет снижения расхода воды. Результаты расчетов показывают, что установка счетчиков горячей воды в квартирах, где проживают трое и более человек, в условиях Ташкента целесообразна, если их владельцам удастся снизить потребление горячей воды на 25—30 процентов и более.

Эффективность установки счетчиков воды станет заметна при росте межповерочного интервала и повышении технической надежности счетчиков. Это позволит резко снизить затраты владельца на ремонт, обслуживание и поверку приборов. Опыт показывает, что наиболее простое решение проблемы учета — это заключение прямых договоров с населением на поставку тепловой энергии и горячей воды, а также на установку и обслуживание счетчиков. Такая работа по заранее определенной схеме будет вскоре проводиться по всему Ташкенту. А далее, видимо, и в других городах.

Интервью провел В. ПОПЛАВСКИЙ.

Турфа олам

ГЕРМАНИЯЛИКЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ГУЛИ

Германияликлар ҳам бошқа халқларга ўхшаб гул сотиб олишни ва яқинларини табриклашни яхши кўради. Германияликлар ҳар йили 300 минг тонна гул харид қилади. Бироқ гул билан гулнинг фарқи бор. Масалан, германияликлар учун энг севимли гул атиргул ҳисобланади. Ўтган йили мамлакатда 1,4 миллиард марта атиргул билан савдо қилинган.

ЛЮБВИ ВСЕ ВОЗРАСТЫ ПОКОРНЫ

Эта супружеская пара вызвала в Таллине сенсацию. Невесте было 89 лет, а жениху — 87.

Впрочем, работники местного загса стараются погасить ажиотажный интерес к таким свадьбам. Просто нередко люди живут десятилетиями, не расписавшись, а на склоне лет хотят оформить свои отношения.

АНТИҚА ОДАТ

Хитойликларнинг иштаҳаси ҳақида баҳслашган одам албатта ютқизади. Улар табиатда нима учраса — ўсимликми, судралиб юрувчими, қушми ёки ҳайвонми, ҳаммасини истеъмол қилаверади. Бу ҳаммаси эмас экан. Ляонин вилоятининг Нуаньси қишлоғида истиқомат қилаётган Цзя Чуньсюе исмли деҳқон кўмир ейишни одат қилган. У кунига 250 грамм кўмир емаса ўзини ноҳуш ҳис қилади. Бу жумбоққа шифокорлар ҳам жавоб топиша олмаяпти. Цзя Чуньсюенинг эса соғлиғи жойида.

ТЫКВА-КАДУШКА

Закончилась зима, а в семье Бахтиных из поселка Кушенер лишь на днях съели кашу из последней порции гигантской тыквы, выращенной на собственном огороде.

Осенью Михаил Иванович и Галина Николаевна собрали необычно богатый урожай бахчевых, но одна тыква размерами поражала воображение. С грядки в дом гиганта весом в 40 килограммов отец с сыном еле внесли вдвоем. Чудо-овощ рос у бочки с водой, потому и вымахал размерами с кадушку!

БИРОЗ ТИЙИЛИНГ, ЖАНОБ БОШ ВАЗИР

Япония парламентидаги ҳукмрон Либерал-демократлар партияси вакилларидан бир гуруҳи мамлакат Бош вазири Иосиро Морини гольф ўйини ва зиёфатларга бориши тийилишга чақирди. И. Морининг Гавайи ороллари яқинида АҚШ сувости кемаси Япония кемасини чўктириб юборгани тўғрисидаги хабарни эшитгандан сўнг ҳам гольф ўйнашни бас қилмаганига жавобан депутатлар шундай даъват билан чиқди. Шунингдек, қандайдир ишбилармон Бош вазир учун гольф клубларидан бирига аъзолик бадали сифатида 350 минг доллар тўлагани тўғрисидаги хабар ҳам уларни айни талабни баён қилишга ундади.

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).

● СПОРТ

ЯНГИ СПОРТ ТУРИ ОММАЛАШМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон Гольф уюшмаси таъсисчиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда республикамиз учун спортнинг ушбу янги турини таргиб қилиш ҳамда ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Уюшмани молиялаштириш манбаи ва унинг бошқарув таркиби аниқланди ҳамда Ўзбекистон фуқаролари учун гольф ўйини қиймати тасдиқланди.

Мамлакат аҳолисини, айниқса ёшлар ва ўсмирларни спортнинг янги турига жалб қилиш мақсадида ҳар йили турнирлар ўтказишга қарор қилинди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун ўтказиладиган биринчи Халқаро турнир жорий йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтади. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан 70 нафардан ортиқ спортчи, дунёнинг 10 мамлакатидан 30 нафарга яқин фахрий меҳмон — АҚШ, Англия, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли гольфчилари иштирок этади.

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Гольф уюшмаси раиси совғини учун биринчи ҳаваскорлар турнири ўтказилади. Шунингдек, Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ҳам ушбу ўйин ишқибозлари учун ҳар йили турнир ўтказади.

Бу йил уюшма томонидан Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ёрдамида 20 нафар йигит ва 10 нафар қиздан иборат Ўзбекистон жамоаси таркиби шакллантирилади. Улардан энг қобилиятлилари келгусида йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун хориждаги энг яхши гольф-клубларида стажировкада бўлишади.

Жорий йилда Ўзбекистон Гольф уюшмаси «Камолот» ёшлар ташкилоти, мамлакат олийгоҳлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида уюшма ходимлари ва чет эллик етакчи мутахассислар гольф ўйини ҳақида маърузалар ўқишади.

Шаҳар марказида барпо этилиши режалаштирилаётган иккита гольф майдони пойтахтимиз аҳолиси учун ажойиб совға бўлади.

Уюшма гольф ишқибозлари учун гольф-клуби хизматларига имтиёзли нархларни белгилади — машғулотнинг дастлабки ойи ва 50 дона тўпли 20 та сават бепул берилади.

(ЎзА).

Матонатда эрларига тенглашиб

Ҳарбийнинг аёли, деган сўзни қўллаш балким кимнингдир ғашига тегар. Яъни турмуш ўртоғининг соҳасига қараб номлаш маъносида. «Ундай бўлса ишчининг, хизматчининг, олимнинг, муҳандиснинг аёли ҳам дейиш керак» мазмунидаги кинояга жавобим тайёр. Ҳарбийнинг аёли ҳам ҳарбий, юрт ҳимоячиси. Агар у хизматдаги баҳодирини қўллаб-қувватламаса, оилавий хотиржамлигини таъминламаса, юрт ҳимояси йўлида у қандай жавлон урсин? Ярим тун бўладими, тонг саҳарми, «арслон»ини ўқув тревогаси бўйича уйғотишса, аёл ҳам дарҳол «жанговар» шай ҳолатга келади. Ёки ҳали у, ҳали бу гарнизонларда яшаш, ҳар қандай машаққатларга кўникишини айтмайсизми?! Менга қолса, ҳарбийнинг юрт ҳимояси йўлидаги эзгу ишларининг ярми аёлига тааллуқли, деган бўлардим.

Подполковник Баҳодиржон Қосимовнинг рафиқаси Дилоромхон ана шундай аёллардан. У икки ўғил, бир қизнинг меҳрибон аяжониси. Юқоридаги фикрларимни айтганимда, у тўлқинланиб сўзлай кетди:

— Турмуш қурганимизга ҳам мана 11 йилдан ошди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб келяпмиз. Ўзингиз ҳам ҳарбийнинг аёлисиз. Яхши биласизки, Ватан ҳимоячисининг рафиқаси ҳар қандай машаққатга, қийинчиликка дош бера оладиган чидамли, матонатли бўлиши лозим. Қолаверса, ҳарбийнинг аёллари қайнонадан узоқда бўлади. Демак, фарзанд тарбияси, турмуш, рўзғор ташвишларида маслаҳатгўйингиз йўқ. Ахир халқимизда бежиз «Қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин», деб айтишмаган. Бироқ мен келин бўлиб тушганимда, қайнонам оламдан ўтган эдилар. Ҳали-ҳануз қайнонамга хизмат қилолмаганим учун армоним бор.

Вазмин, босиқ, сабр-тоқатли, узоқни кўзлаб иш тутадиган қизларгина Ватан ҳимоячисининг ёри бўла олиши мумкин, деб ўйлайман.

М. АБДУЛЛАЕВА,
ҳарбий қисм кутубхоначиси.

● БОРЬБА: КУБОК НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

„Туше“—украшение поединка

В минувшее воскресенье в столичном спортивном комплексе «Юнусабад» завершился традиционный международный турнир по греко-римской и вольной борьбе «Кубок независимости». Сильнейшие представители 11 стран приняли участие в этих соревнованиях.

Три золотые награды и одну «бронзу» по вольной борьбе, также три «золота» и «бронзу» по греко-римской борьбе завоевали узбекистанцы.

Отрадно отметить, что среди наших спортсменов лучшими были представители армейского спортклуба Министерства обороны. Из трех золотых медалей по вольной борьбе—две приходятся на армейских атлетов. Первым на высшую ступень пьедестала почета поднялся мастер спорта международного класса из спортактива Вооруженных Сил Дильшод Мансуров (до 54 кг). Он в финальном поединке победил заслуженного мастера спорта из Казахстана М. Мамырова. Схватка на редкость получилась жесткой и упорной. Видно было — на ковре «схлестнулись» равные по физическим данным, выносливости и тактике два мастера. Как правило, в таком случае выигрывает тот, у кого больше силы воли. Здесь нервы крепче оказались у нашего земляка. Это лишний раз подтверждает и счет поединка — 3:2 в пользу Мансурова.

«Золотой» задел Дильшода Мансурова продолжил второй армейский атлет, заслуженный спортсмен Узбекистана старший сержант по контракту Дамир Захартдинов, выступавший в весовой категории до 58 кг. Физически сильному белорусскому борцу С. Карпинскому Захартдинов противопоставил тактически грамотную, как бы «игровую» борьбу.

Отличную борьбу продемонстрировал мастер спорта международного класса Александр Санакаев (до 85 кг), завоевавший третью золотую медаль для Узбекистана. Он одержал убедительную победу над атлетом из Грузии мастером спорта международного класса Т. Сегишидзе.

Можно сказать, один из опытных узбекистанских атлетов Ж. Абдурахманов перед решающей схваткой немного «перегорел». Это и отразилось на результате его выступления. Он завоевал третье призовое место.

Также победителями в своих весовых категориях стали гости турнира Е. Аскеров (до 63 кг, Азербайджан), Д. Леджава (до 69 кг, Грузия), Р. Миндарашвили (до 76 кг, Грузия), Е. Куртавилзе (до 97 кг, Грузия) и А. Модевадзе (до 130 кг, Грузия).

У борцов греко-римского стиля, пожалуй, героем турнира можно назвать нашего земляка мастера спорта международного класса Евгения Ерофайлова (до 85 кг). Евгений в финале встретился с многоопытным борцом из Казахстана А. Джабрайловым. К концу первого периода поединка наш земляк уступал сопернику 3 балла. Евгений всю первую половину схватки никак не мог подобрать «ключик» к «неудобному» атлету. Буквально когда остались считанные секунды до окончания первого периода, Ерофайлов удачно использовал свою «домашнюю заготовку», которая ему принесла 1 и 2 балла. Счет 3:3. Уже на первой минуте второго периода Ерофайлов удачно «сконтрил» соперника и тушировал его. Чистая досрочная победа!

Также золотые медали нашей команде принесли мастера спорта международного класса Дильшод Арипов (до 58 кг) и Руслан Биктяков (до 69 кг), а участник двух Олимпиад мастер-«международ д н и к» Баходыр Курбанов стал обладателем «бронзы».

Победителями у борцов греко-римского стиля также стали У. Калилов (до 54 кг, Кыргызстан), А. Чучумов (до 63 кг, Россия), Г. Чинтчлашвили (до 76 кг, Грузия), А. Безручкин (до 97 кг, Россия) и М. Георгадзе (до 130 кг, Грузия).

З. ХАИРИТДИНОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Ҳарбий денгиз флотининг оддий аскари. 4. Қовун нави. 8. Африкадаги дарё. 9. Амир Темурнинг набираси, фалакиёт олими. 10. Ўрик меваси навларидан бири. 11. Халқ термалари асосида айтиладиган ашула. 12. Эстрада гуруҳларидан бири. 14. Тил ва адабиётдан билимни синаш усули, ёзма иш. 15. Ғарбий ярим шар ўрмонларида тарқалган жонивор тури. 18. Энг азиз неъмат. 21. Тун паррандаси. 23. Бирор математик боғланишни англатувчи формула. 25. Ҳўл мевадан тайёрланган ширинлик. 26. Мусиқали санъат асари. 27. Ватандошимиз, Мирзо Улуғбек бунёд этган расадхонада фаолият кўрсатган олим. 28. Сартарошлик асбоби.

БУЙИГА: 1. Тафаккур қонунлари ва фикрлаш шаклларини ўрганувчи фан. 2. Алоқа техникаси воситаси. 3. Пойтахтимиз вилояти тумани. 4. Узоқ Шарқдаги дарё. 5. Порлоқ келажак, бахтли тақдир. 6. Ўсимлик пайвандлашда ишлатиладиган тиғли асбоб. 7. Қирғовуллар оиласига мансуб йирик уй паррандаси. 13. Бинонинг товушни кучайтириш қобилияти. 16. Йирик тангали, қора йўллар билан қопланган балиқ. 17. Шолипояни макон қилувчи бегона гиёҳ. 19. Ўзбекистоннинг жанубидаги туман. 20. Маҳсулотни доналаб сотиш. 22. Жаҳонда оммалашаётган спорт тури. 24. Қозоғистон шимолидаги, мумтоз шоир номи билан аталувчи шаҳар.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 25-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Ванга. 3. Кварц. 5. Тонфи. 7. Нитрон. 8. Изотоп. 11. Довот. 12. Айний. 13. Айрон. 14. Грамм. 16. Ялпиз. 18. Шрифт. 20. Плита. 21. Амаки. 25. Мезон. 26. Қўқон. 27. Ровоч. 28. Алача. 30. Айова. 32. Панно. 34. Ўлпон. 35. Брасс. 39. Дания. 40. Арқоқ. 41. Авфий. 42. Опера. 44. Триод. 46. Оқила. 48. Саржин. 49. Европа. 50. Шаҳар. 51. Океан. 52. Абжир.

БУЙИГА: 1. Взвод. 2. Астат. 3. Крона. 4. Цезий. 5. «Татра». 6. «Инсон». 7. Навфал. 9. Пертиш. 10. Анапа. 14. Гримм. 15. «Милан». 16. Янтоқ. 17. «Замин». 18. Шакар. 19. Тўқоч. 22. Узган. 23. Оқтош. 24. Аванс. 26. Ананд. 29. Адлия. 30. Алоқа. 31. Ажриқ. 32. Писта. 33. Осмий. 36. Индекс. 37. Иқлим. 38. Африка. 42. Олмош. 43. Аброр. 44. Трико. 45. Довон. 46. Овора. 47. Анжир.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д.Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0119.